

**O'ZBEKISTON RESPUBLIRASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
NIZOMIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI**



РЕФЕРАТ

Мавзу: Шоштепа ёдгорлигининг ўрганилиш тарихи

Тарих факультети 3-босқич талабаси
Ғойипова Шаҳноза

Тошкент 2014

ШОШТЕПА ЁДГОРЛИГИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ.

Тошкент воҳаси серсув ва яшаш учун қулай бўлганлиги сабабли жуда қадим даврлардан бошлаб одамлар истиқомат қила бошлаганлар. Ибтидоий одамлар бу ерларни ўзлаштириб, ўзлари учун доимий манзилга айлантирганлар. Бу маконлар вақт ўтиши билан кенгайиб, Тошкент воҳасини қамраб олган. Ибтидоий маконлар қишлоқларга, қишлоқлар шаҳарларга айлана бошланган.

Тошкент воҳасидаги шундай қадим манзилгоҳларидан бири бу Шоштепа ёдгорлиги ҳисобланади. Айнан шу ёдгорлик Тошкент шаҳрининг илк илдизига асос бўлган. Шоштепада олиб борилган археологик тадқиқотлар ва у ердан топилган ашёлар буни исботлайди.

Ёдгорлик Тошкент шаҳрининг жанубий қисмида, Салор ва Бўрижарнинг қўшилиб Бўзсувга қуйиладиган қисмидан оқиб чиққан Жўн канали қирғоғида жойлашган. Бугунги кунда бу ҳудуд Сергели туманининг Шоштепа маҳалласига қарашлидир.

Тошкент воҳасида шаҳар маданиятининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнини Шоштепа мисолида кўриш мумкин. Ёдгорлик дастлаб Бурғулук маданиятига оид макон бўлган. Кейинчалик қишлоқ тарзида шаклланиб, мил.авв. II асрга келиб шаҳар қиёфасини ола бошлаган. Бу шаҳар ўша пайтларда Сирдарёнинг қуйи ва ўрта оқимида ташкил топган Қанғ давлатининг узоқ чегарасида жойлашган. Тошкент воҳасининг дашт билан туташиб кетган шимолий чегарасида стратегик истехком, ҳунармандчилик маркази, кўчманчи чорвадор аҳоли билан ўтроқ деҳқонлар ўртасида олиб бориладиган ўзаро савдо алоқалари ривожига асосий вазифани ўтаган.

Шоштепа ёдгорлигида олиб борилган тадқиқотлар натижасида Жўн каналининг икки қирғоғида жойлашган қишлоқнинг излари аниқланган. Каналнинг ўнг томонидаги манзилгоҳнинг кўп қисми ғишт заводи ва турар жойлар қурилиши билан бузилиб кетиб, бир қисмигина сақланиб қолган.

Сақланиб қолган қисмининг умумий майдони 300-250м². Илгари у 25га худудни эгаллаган.¹

Шоштепа ёдгорлигида дастлаб, 1896-йилда Туркистон хаваскор археологлар тўғарагининг аъзоси Н.П.Остроумов бошчилигида тадқиқот ишларини олиб борилган.² Н.П.Остроумов кўрғончада учта галлерейни, ўқсимон арк аниқлаган. Шунингдек, сопол синиқлари, темир парчалари, шиша, ҳайвонларнинг суяклари топилган.³ Тадқиқотчилар ёдгорликнинг ёшини аниқламаганлар, лекин уни ер ости қоровул пости деб тахмин қилганлар.

1934 йилга келиб, ёдгорликда Г.В.Григорьев тадқиқот ишларини олиб боради.⁴ У манзилгоҳнинг стратеграфиясини ўрганиб, қадимги шаҳарларга тегишли айрим белгиларни топади ва уни ибтидоий шаҳарлар турига киритади. Тадқиқотчи ёзма манбаларга асосланиб, сакларнинг ер ости ибодатхонаси деб тахмин қилади. Ёдгорликни саклар даврига оид деб кўрсатади.

Шоштепа шаҳарчасидаги археологик тадқиқот ишлари 1956 йилда давом эттирилади. Тадқиқот ишларини олиб борган Н.И.Крашенинникова⁵ алоҳида қазишмалар олиб бормади, бузилган маданий қатламлардан олинган материаллар - сопол парчалари, тош буюмлар, ҳўкиз бошига ўхшаш ўчоқ таглиги, суяк қолдиқлари ва бошқаларни таҳлил қилади. Олинган намуналарнинг умумий жадвалини тузади. Олима ёдгорликнинг ёшини милодий III-V асрларига тааллуқли деб хулоса чиқаради.

1968 йилда археологик тадқиқот ишларини Бўзсув археологик отряди давом қилдирган. Улар қўлга киритилган материалларга асосланиб, Шоштепани мил.авв.III-II асрлар ва милодий III-VII асрларига, баъзи материалларнинг XI-XII асрларига оид эканлигини аниқладилар⁶.

¹ Филанович Маргарита Ивановна .Ташкент. 1983г.стр.38.

² Уистоков древней культуры Ташкента .Академия наук узбекскойССР институт археологии.стр92.

³ Шу китоб 92 б.

⁴ Шу китоб 92 б.

⁵ М.И.Филанович.Ташкент. 1983г. стр.39.

⁶ Ю.Ф.Буряков,М.Р.Касымов,О.М.Ростонцев Археологические памятники Ташкентской области.

1970 йилда Г.Дадабоев⁷ ёдгорликни стратиграфик жиҳатдан ўрганишга киришади. У 8м⁹ чуқурликка шурф туширади. Ўшандагина ёдгорлик пастки катламининг материаллар комплекси аниқланади. Тадқиқотчилар уни Бурғулук маданиятига алоқадор деб, мил.авв. II-I асрларга оидлигини аниқлайдилар. Бу сафар ҳам тадқиқотчилар Шоштепа шаҳарчасини кузатиш ва разветка вазифасини бажарган иншоот деб кўрсатадилар.

Шоштепа тарихини чуқурроқ ўрганиб борилгани сайин, унинг қадимий тарихи сирлари очила борди.

Шоштепа аркининг жанубий-шарқида М.И.Филанович бошчилигидаги Тошкент археологик экспедицияси 1978-1979 йилларда тадқиқот ишларини олиб борганлар.⁸ М.И.Филанович ўзининг Тошкент тарихига бағишлаб ёзган “Тошкент” номли асарида Шоштепа ёдгорлигида ўтказилган тадқиқот ишларининг натижаларини умумлаштириб, унинг қуйидаги ривожланиш босқичларини кўрсатиб беради:

1.Шоштепа I - милоддан аввалги VI – IV асрлар даври бўлиб, Бурғулук маданиятининг сўнгги босқичи даври.

2.Шоштепа II - мил.авв.II аср бўлиб, Қовунчи III маданиятига ўтиш даври.

3.Шоштепа III - мил.авв. II-I асрлар бўлиб, Қовунчи III маданияти даври.

4.Шоштепа IV - Қовунчи II маданиятининг биринчи босқичи.

5.Шоштепа V - Қовунчи II маданиятининг иккинчи босқичи

6.Шоштепа VI - милодий VII-VIII асрларга оид

7.Шоштепа VII - X охири XII асрлардаги кулолчилик маркази сифатида фваолият юритган

Шоштепа ёдгорлиги Тошкент ҳудудидаги энг қадимги шаҳардир. У ерда шаҳар милоддан аввалги II-I асрларда бунёд этилган бўлиб, у 4 метр

⁷ М.И.Филанович.Ташкент.стр.39.

⁸ Уистоков дрней культуры Ташкента .Академия наук узбекской ССР.институт археологии. стр.94.

калинликдаги айланма мудофаа девори билан ўраб олинган⁹. Шаҳарнинг девори йирик хажмдаги хом ғиштдан қурилган. Шоштепа қалъаси қадимги қишлоқнинг харобалари устида бунёд этилган.

Шоштепа дастлаб, йўлакли айланма девор, марказий бино ҳочсимон шаклда бўлган, равоқли пештоқдан иборат бўлиб, пухта меъморий ечимга эга бўлган. Ёдгорлик замонасининг нодир меъморий обидаларидан бири ҳисобланади. Тадқиқотчилар фикрича, мил.авв. II-милодий V асрлар шаҳарнинг ривожланган даври бўлган.¹⁰

Шоштепадаги тадқиқотлар чоғида ташқи савдо алоқаларидан гувоҳлик берувчи иккита нодир буюм топилган. Улардан бири фил суягидан ясалган қадахнинг бир бўлаги бўлиб, у шаҳар ҳаётининг қоронғу саҳифаларини бир мунча ёритишга имкон беради. Унинг ҳажми 5-3,5 см бўлган. Унда эркак кишининг сиймоси қабартма қилиб тасвирланган бўлиб, бу персонаж антик давр Парфия маъданиятига ҳосдир¹¹. Шунга ўхшаш топилма 1905-йилда археолог Б.В.Фармаковский томонидан Қора денгиз соҳилида юнонликлар томонидан қурилган Олвия шаҳрини тадқиқ қилиш жараёнида топилган.

Иккинчи бебаҳо топилма стиль-суяк қалам бўлиб, милоднинг I-II асрларига мансубдир. 15 см узунликдаги бу суяк қаламнинг бир томони ёзиш учун учли қилиб, иккинчи томони эса ўчирғич бўлиб, ромба шаклида куракча қилиб ишланган. Шоштепадан топилган топилмалар орасида энг диққатга сазоворларидан бири нуроний мўйсафиднинг сурати туширилган терракота бўлиб, унда ўша замонларда Чоч ёки Шошда яшаган қадимги аҳолининг этник қиёфаси мужассамлашган. Археологик топилмаларнинг энг кўҳнаси ибодатхона остидан чиққан олтита тангадир. Бу танга пуллар V-аср охири VI-аср бошларига таълуқли бўлиб, Эфталларнинг Сосонийларга берган қақшатқич зарбаси натижасида, Эфталлар давлати ҳудудида кенг тарқалган деган фикрни М.Е.Массон илгари суради.

⁹ Мухаммаджонов А. Қадимги Тошкент, – Тошкент, 2001, 19– бет.

¹⁰ Мухаммаджонов А. Қадимги Тошкент; Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент, 2007, 120– бет.

¹¹ Мухаммаджонов А. Қадимги Тошкент, – Тошкент, 2001, 20– бет.

Тарихга назар солсак, Шоштепа ёдгорлиги Тошкент шаҳрининг биринчи тамал тошидир. Худди шу ёдгорликнинг кенг ўрганилиши натижасида Тошкент шаҳрининг шаклланиш тарихи 2200 йил олдин бошланганлигини кўрсатади. Ўзбек давлатчилиги тарихи қанчалик қадимий бўлса, шаҳарларимиз ҳам шундай қадимий илдизга эгадир. Бу биз ёшлар учун ифтихордир.